XALQ DEPUTATLARI YASHNOBOD TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2022 - yil 12 - aprel II-55-45-14-203-K/22 Yashnobod tuman hokimligi

Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,24-моддалари, халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2021 йил 31 декабрдаги “2022 йил учун Яшнобод туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-50-57-14-203-K/21-сон қарори ва халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг2021 йил 22 декабрдаги “Яшнобод туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффицентини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-47-52-14-203-K/21-сон қарори қабул қилинганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2021 йил 31 декабрдаги “2022 йил учун Яшнобод туман маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-50-57-14-203-K/21-сон қарори қабул қилинганлиги муносабати билан, халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2020 йил 30-декабрдаги “Яшнобод туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги 136/2-28-сон қарори.

2. Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2021 йил 22 декабрдаги “Яшнобод туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2022 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффицентини тасдиқлаш тўғрисида”ги II-47-52-14-203-K/21-сонли қарори қабул қилинганлиги муносабати билан халқ депутатлари Яшнобод тумани

Кенгашининг 2021 йил 28 январдаги “Яшнобод туманида жойлашган юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 2021 йилда солиқ ставкасига қўлланиладиган коэффицентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 146/2-30-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг 2022 йил 18 мартдаги II-55-24-14-203-K/22-сонли қарори бекор қилинсин.

4. Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашининг ўз кучини йўқотган деб топилган қарорлар тўғрисида маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **Б.Рахманкулов**